


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310904– *Психология (оила психологияси)* бакалаврият таълим
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60310904 – <i>Психология (оила психологияси)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60310904 - <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60310904– <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60310904- <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60310904- <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60310904- <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60310904- <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60310904- <i>Психология (оила психологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи.....	10

1. 60310904– Психология (оила психологияси) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар гайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60310904 – Психология (оила психологияси) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60310904 – Психология (оила психологияси)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310904– Психология (оила психологияси) – Ижтимоий ва хулқ-атворга мансуб фанлар таълим с йўналиш бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида; оммавий ахборот воситалари, давлат ва маҳаллий бошқаруви органлари, хусусий психологик хизмат кўрсатиш марказларида психологик ёрдам кўрсатиш; ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтида; реабилитация марказларида, Хотин-қизлар маслаҳат марказларида психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ташкилот ва муассасаларда психологик ёрдам кўрсатиш; таълим муҳитида психологик тадбирларни ташкил этиш ва уни амалга ошириш, оила аъзолари, эр-хотинлар, фарзандлар, Хотин-қизлар маслаҳат маркази, реабилитация ва психологик хизмат марказлари клиентлари;

- психологик тадқиқот методикалари; фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари;

–аҳолига психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш; психодиагностик, психологик маслаҳат, психокоррекция, психопрофилактика, психологик маърифат тадбирлари ва психология ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

1.2.3. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкिलий-бошқарув;*
- *маънавий-маърифий;*
- *лойиҳавий;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*
- *турли хизматлар кўрсатиш.*

1.2.4. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60310904 – Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида

–илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда психологик мавзуларга оид тадқиқотларда иширок этиши;

–интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

–психологияга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет-эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

–касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар, ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

–илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

–илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

–ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;

–илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;

–илмий-амалий журналларга мақолалар тайёрлаш;

–илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш; соҳа адабиётлари экспертизасини амалга ошириш;

–психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйғунлаштириш;

–маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

–тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

–илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида

–ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

–ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

–замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари

ва механизмларини ишлаб чиқиш;

–атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

–психологик тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–ишлаб чиқариш жараёнларида психологик фаолиятини бошқариш;

–фирмалар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

–корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

–бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

–ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Маънавий-маърифий фаолиятида

–ташкilot, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкilotларининг таклиф ва талаблари асосида психологик маърифат тадбирларини ташкил этиш;

–маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш ва кўрсатувларда психологик материаллар билан иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Лойиҳавий фаолиятда:

– жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

– тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

– психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

– фан соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

– психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

–таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

–замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

–ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

–ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

–мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

–таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши лозим;

–таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш;

–таълим муассасасидаги муаммонинг ечишда психологик усуллардан фойдаланиш;

–ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар гуруҳларида психодиагностик, психопрофлактик, психокоррекциялаш ва психологик маърифат йўналишида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– ўқитувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– педагогик жамоадаги зиддиятлар, низоларни бартараф этиш ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:

– пуллик психологик хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга муҳтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни қобилиятига;

– шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни психологик ҳал этиш кўникма ва маликаларига;

– болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш қобилиятига;

– оилавий психологик маслаҳат ва психотерапияси ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга муҳтож оилалар муаммоларини ечиш қобилиятига;

– бола, катта ёшдагилар ва ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдам кўрсатиш;

– фуқароларнинг шахсий муаммоларини психологик жихатдан ечишга кўмаклашиш;

– Хотин-қизлар маслаҳат марказларида психологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

– психологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;

– ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;

– муассаса ва ташкилотларда психологик тадқиқотларини ўтказиш;

– турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

2. 60310904– Психология (оила психологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга

бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- шахс психологиясининг асосий қонуниятлари, тадқиқот тамойиллари ва усулларини билиш;
- шахс, гуруҳ ва жамоа психологик табиатини шартловчи жиҳатлар, ҳолатлар, хусусиятлар ва механизмларни билиш;
- психологик экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш, методикаларини танлаш ва қўллаш малакасига эга бўлиши;
- шахснинг мотивацияси соҳаси, эмоционал-иродавий соҳаси, когнитив соҳасига кўра экспериментларни ташкил эта олиш кўнимасига эга бўлиш;
- психологик тадқиқот методлари ва методикаларини саралаш, уларни татбиқ қилиш ва натижаларини талқин этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- психологик текширув ва тадқиқот босқичларини режалаштириш, психодиагностика даражалари бўйича текширув ва тадқиқотни ташкил этиш, психодиагностика натижалари бўйича хулосалар тайёрлашни билиш;
- психодиагностика методикалари ишлаб чиқиш, мослаштириш ва татбиқ қилиш кўнимасига эга бўлиш;
- психодиагностика методикаларини татбиқ қилиш, натижаларни қайта ишлашда миқдор ҳамда сифат таҳлил усулларини қўллаш кўникмасига эга бўлиш;
- психологик текширув ва тадқиқот натижаларига кўра диагноз қўйиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиш;
- корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоаларнинг психологик хусусиятларини баҳолаш ва улар социал-психологик тавсифномасини ишлаб чиқишни билиш;
- социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва унинг ўтказиш технологиясини татбиқ қилишни билиш;
- психологик тренинг дастурларининг ишлаб чиқиш ва жорий этишни билиши;
- пациент ва клиентларнинг хусусиятига кўра психологик консультация ва психокоррекция тадбирларини ташкил қилишни билиш;
- психология муаммолари доирасида лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- оилаларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилиш усулларини қўллашни билиш;
- низоли ва инқирозли оилаларга психологик ёрдам бириш кўникмасига эга бўлиш;
- оилавий психологик консультация ва психотерапия ташкил қилиш ва ўтказиш технологиясини қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;
- оилавий билан боғлиқ кескин вазиятларда эсктрэн психологик ёрдам кўрсатиш ташкил қилиш кўнимасига эга бўлиш;
- оилалар билан психологик маърифат тадбирларини ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- оила психологиясига доир тавсиялар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- деструктив хулқ-атворлилар, тараккиётдан ортда қолган болалар билан психологик ривожлантириш тренингларини ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши;
- психологик тадқиқот методлари ва методикалари, психологик тренинг ва консультацияни ташкил этиш технологиялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш кўникмасига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни. психика, эволюция, эксперимент, кузатиш, тест, онг, шахс, психоанализ, гештальт психология, когнитив психология, ички регуляция, мотив, мотивация, кадриятлар, установка, қизиқишлар, эмоция, хиссиёт, ирода, иродавий актлар, сезги, сезги чегараси, сезги қонуниятлари, сезги хусусиятлари, идрок, идрок хусусиятлари, хотира, тафаккур, шахслараро муносабат, тренинг, социал-психологик тренинг, оила психологияси, оилавий психологик маслаҳат, ота-оналик психологияси, оила психотерапияси, деструктив хулқ, психогенетика.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети



Ректор  И.Маджидов

202_ йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси



Ректор  М.Камилов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси жамоат
хавфсизлиги университети

Бошлик  М.Рустамбоев

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институтини



Директор  Н.М.Эгамбердиева

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310903–Психология (амалий психология); 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ” _____ 2021 йил

Биз, куйида имзо чекувчилар – “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори Н.Эгамбердиева, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори М.Камилов, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи М.Рустамбоев, Тошкент давлат педагогика университети ректори А.Умаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. И.Маджидов билан биргаликда ЎЗМУда ишлаб чиқилган куйидаги бакалаврият таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича)
2. 60310903–Психология (амалий психология);
3. 60310904–Психология (оила психологияси);
4. 60310905–Психология (ёшлар психологияси);

Малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бунортмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инobatга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институти директори

Н.Эгамбердиева

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ректори

М.Камилов

Жамоат хавфсизлиги университети
бошлиғи

М.Рустамбоев

Тошкент давлат педагогика университети
ректори

А. Умаров

Ўзбекистон Миллий университети
ректори

И.Маджидов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310903–Психология (амалий психология); 60310904–Психология (онла психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ___ ” _____ 2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар – “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори Н.Эгамбердиева, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори М.Камилов, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи М.Рустамбоев, Тошкент давлат педагогика университети ректори А.Умаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. И.Маджидов билан биргаликда ЎЗМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалаврият таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5. 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича)
6. 60310903–Психология (амалий психология);
7. 60310904–Психология (онла психологияси);
8. 60310905–Психология (ёшлар психологияси);

Малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институти директори

Н.Эгамбердиева

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ректору

М.Камилов

Жамоат хавфсизлиги университети
бошлиғи

М.Рустамбоев

Тошкент давлат педагогика университети
ректору

А.Умаров

Ўзбекистон Миллий университети
ректору

И.Маджидов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режаларига

ТА Қ Р И З

М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ да 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, қўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллаш олиш қўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш қўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310901–Психология (амалий психология), 60310904–Психология (фаолият турлари бўйича), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишларининг таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

“Маҳалла ва оила” илмий-таълимий институтлари билан ишлар бўлими директори



Н.Эгамбердиева

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган
60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий психология),
60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси)
таълим йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик
даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари
ва ўқув режаларига

ТА Қ Р И З

М.Улугбек номидаги 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–
Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–
Психология (ёшлар психологияси) йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар
тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада
кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва
уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини
таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш
тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги
“2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул
қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан
тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109901–Психология (амалий
психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар
психологияси) таълим йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув
режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкмаси ҳажми, таълим оловчилар ва
битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри
кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим
оловчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси
шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва
уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор ҳорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва
технологияларига, ўқув машғулотларининг шакллари ва мустақил билим олишга кенг ўрин
берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос ҳолда
тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган.
Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва
таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109901–
Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–
Психология (ёшлар психологияси) йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган
янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган,
жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ҳолда
сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб
хизмат қилади ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Тошкент давлат педагогика университети
“Психология” кафедраси мудири,
п.ф.н. доцент

Н.Халилова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60310900–
Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий психология), 60310904–
Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар психологияси) таълим
йўналишларини бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси
ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув
режаларига

ТА Қ Р И 3

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш
миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислох қилиш, тайёрланаётган кадрлар
сифатининг республикада амалга ошириладиган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар
талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илгор жаҳон
даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига боғлиқ.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий
психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар
психологияси) йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон
Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунлари,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида
таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг камровли
ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-
3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023
йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган
малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари ҳамда ЎЗР ОЎМТВ
нинг 2018 йил 6 июндаги "Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини
ишлаб чиқиш тўғрисида" ги №87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга солувчи
бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда хориж тажрибаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–Психология (амалий
психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–Психология (ёшлар
психологияси) йўналишлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари
хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил
фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган,
бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш,
қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган.
Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни
ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория
амалиётларига, семинар машгулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил
қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари
битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллаш
олиш кўникмасини кучайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун
белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсироти
битирувчининг назарий билимларини мустақамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан
қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг
талаб ва тақлифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60310900–Психология (фаолият турлари бўйича), 603109903–
Психология (амалий психология), 60310904–Психология (оила психологияси), 60310905–
Психология (ёшлар психологияси) йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган
янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари
даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид
масалаларни ўз ичига олган ва сифатини тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш
tizими қоидалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни тақлиф қиламан.

"Маҳалла ва оила" илмий-таълим
институтининг илмий қотиби



Х. Абдусаматов

60310904–Психология (онла психологияси)
бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.		Фаилар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00		Мажбурий фаилар	5220
1.01	OMTB205	Олий математика	150
1.02	UYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.03	FALB204	Фалсафа	120
1.04	URTB104	Ўзбек (рус) тили	120
1.05	XJTB106	Хорижий тил	180
1.06	UTSB203	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.07	JTSB102	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.08	RATB206	Рақамли ва ахборот технологиялари	180
1.09	UMPB131	Умумий психология	930
1.10	EKPB119	Экспериментал психология	570
1.11	PSTB108	Психология тарихи	240
1.12	SOPB107	Социал психология	210
1.13	PMQB207	Психологик маълумотларни қайта ишлаш методлари ва технологиялари	210
1.14	UPDB206	Умумий психодиагностика	180
1.15	PTAB306	Психологик тренинг асослари	180
1.16	PKPB 307	Психологик консультация ва психокоррекция	210
1.17	UPKB306	Умумий педагогика	180
1.18	PPPB307	Педагогик психология ва психологиянинг ўқитиш методикаси	210
1.19	KLPB305	Клиник психология	150
1.20	YBIB305	Ёшлар билан ишлаш психотехнологияси	150
1.21	YGIB304	Ёшлар билан гуруҳий ишлаш методлари	120
1.22	DXPB408	Деструктив хулқ психологияси	240
1.23	KAPB407	Касб психологияси	210
1.24	SAPB407	Саломатлик психологияси	210
2.00		Танлов фаилар	960
		Жами	6180
		Малакавий амалиёт	571
		Яқуний давлат аттестацияси	450
		Жами	1140
		Ҳаммаси	7200